



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2024-yil 20-fevral

№ 2/1

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва навбатдаги муҳим вазифалар ҳақида

Вазирлик ҳайъати қайд этадики, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан:

вазирликнинг жорий йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 6-сонли буйруғи ва ушбу қарорнинг ҳар бир бандининг ижросини белгиланган муддатда, тўлақонли ва сифатли таъминлашга қаратилган аниқ ижро муддатлари ва ижрочилари кўрсатилган Назорат режаси ишлаб чиқилган ва унинг устидан тизимли мониторинг ўрнатилган;

жами 155 та туман ирригация бўлимлари ҳамда 161 та сув хўжалиги махсус хизматлари тугатилиб, уларнинг негизида хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган 157 та “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ташкил қилинган;

вазирликнинг жорий йил 22 январдаги 25-сонли буйруғи билан вазирлик марказий аппаратида 7 та штат бирлигидан иборат Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида эса 3 та штатдан иборат бўлган Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари ташкил этилган;

“Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукуматнинг қарори лойиҳаси тайёрланиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Адлия вазирлигининг ҳукукий ҳулосаси олинди, 2024 йил 29 январь куни Вазирлар Маҳкамасига киритилган;

Иктисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Сув етказиб бериш хизмати намунавий тузилмаси ва ходимларининг ҳамда хизмат автотранспорт воситаларининг чекланган сони ва турлари ишлаб чиқилган;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 150 млрд сўм маблағлар ажратилиб, “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ва ҳозирда олинадиган техника (100 та экскаваторлар) русуми танланмокда ва уларни харид килиш бўйича музокаралар олиб борилмокда;

Ўзининг биноси бўлмаган 30 та “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларини жойлаштириш бўйича таклифлар вилоят ҳокимларига киритилган ва бугунги кунга қадар 19 та сув хўжалиги ва 5 та туман ҳокимлиги ҳисобидаги биноларнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштириш жараёни амалга оширилмокда.

Лекин, эришилган натижалар билан бирга ҳисобот даврида бир қатор хато ва камчиликларга, колоқликларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Шуманай, Нукус, Мўйноқ, Марҳамат, Булокбоши, Арнасой, Китоб, Денов, Ўзбекистон ва Қўштепа туманларининг “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарлари фаолият юритмаганлиги аниқланган;

“Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси раҳбари ўринбосарини белгиланган мезонлар (соҳа бўйича мутахассислиги, маълумоти, малакаси ва ёши) асосида саралаб, камида 2 нафар номзодларнинг ҳужжатларини вазирликка тақдим қилиш белгиланган бўлсада, Фарғона, Наманган, Навоий ва Самарқанд вилоятлари томонидан ўринбосарларга соҳага оид бўлмаган ёки ўрта махсус маълумотли эга номзодлар тақдим қилинган;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Сирдарё-Зарафшон, Қуйи-Зарафшон, Чапқирғок-Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан штат жадвали тегишли молия бошқармаларидан рўйхатдан ўтказилмаган;

3 та (Иштихон, Касби ва Музработ) туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари бино билан таъминлаш ишлари асосиз кечиктирилмокда;

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи “Suvkredit.uz” электрон тизими жорий йилнинг 1 февралидан тўлиқ ишга туширилган бўлишига қарамасдан ариза топшириш ишлари 12 кун давомида Навоийда 16 та, Қорақалпоғистонда 21 та ва Тошкентда 24 тани ташкил қилиб, мазкур тадбирлар ушбу ҳудудларда суст амалга оширилмокда;

Тўрткўл, Шуманай, Қўнғирот, Кегейли, Шаҳрихон, Бухоро, Фориш, Янгиобод, Китоб, Муборак, Кўкдала, Кармана, Навбахор, Нурота, Бандихон, Қизирик, Қумқўрғон, Шўрчи, Боёвут, Мирзаобод, Сирдарё, Бўка, Тошлок, Ўзбекистон, Урганч, Янгиариқ ва Янгибозор туманларида бир дондан ариза топширилган, холос;

Республика бўйича “suvkredit.uz” электрон тизими орқали онлайн топширилган 996 та аризалардан 764 таси скоринг натижаси бўйича ижобий баҳоланган бўлса-да, шундан, 594 тасига “Сув етказиб хизмати” давлат муассасалари раҳбарлари томонидан хулоса берилган бўлиб, қолган 131 та ариза кўриб чиқилмасдан қолмокда;

Хоразм ва Андижон вилоятларида 3 тадан, Тошкентда 4 та Қашқадарёда 8 та, Навоийда 9 та ариза кўриб чиқилмаган бўлса, ушбу ҳолат Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 19 та, Фарғонада 15 та, Наманган ва Самарқанд вилоятларида 11 та ҳамда Бухорода 10 тани ташкил қилмокда;

Элликқалъа, Тахиатош, Қонликўл, Бўзатов, Чимбой, Нишон, Конимех, Қуйи-Чирчик, Юкори-Чирчик, Зангиота, Қибрай, Паркент, Бешарик, Учқўприк, Фуркат ва Тупрокқалъа туманида ариза топшириш ишларига умуман киришилмаган.

Юкорида кайд этилган хато-камчиликлар ва колоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли қарори билан вазирликка юклатилган вазифалар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида хайъат йиғилиши

Қарор қилади:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар **талаб даражасида эмас деб топилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи “**Suvkredit.uz**” электрон тизимига ариза топшириш ишларида колоқликка йўл қўйганлиги учун:

Қуйи-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Убайдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири Б.Жузбоев ва Чирчик-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Қурбоновлар, шунингдек, Тўртқўл, Шуманай, Қўнғирот, Кегейли, Шаҳрихон, Бухоро, Фориш, Янгиобод, Китоб, Муборак, Кўкдала, Кармана, Навбахор, Нурота, Бандихон, Қизирик, Қумқўрғон, Шўрчи, Боёвут, Мирзаобод, Сирдарё, Бўка, Тошлок, Ўзбекистон, Урганч, Янгиариқ ва Янгибозор туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарларига **сўнгги мартаба огоҳлантириш эълон қилинсин.**

Вазирликнинг 2024 йил 12 январдаги 9-сонли буйруғи ҳамда вазирлик марказий аппаратининг жорий йил 16 январдаги 01/25-9-сонли йиғилиш баёни билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Б.Жузбаевга ва Чирчик-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Қурбоновга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддаси 1-қисм 1-бандига мувофиқ “**ҳайфсан**” интизомий жазо чораси қўлланилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар 2024 йилнинг I чораги якуни бўйича чуқур таҳлиллар асосида танкидий руҳда муҳокама қилинади ҳамда ушбу хайъат йиғилиши қароридан тегишли хулоса қилмаган, хато-камчиликлар ва колоқликлар бартараф этилмаган тақдирда юкорида номлари кўрсатилган ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари ҳамда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари директорларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига асосан **эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

3. Вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев ва Д.Ходжихмедов, Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи С.Алимардонов, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи в.б Д.Аликулова, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга масъул қилиб бириктирилган вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, республика ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиқларига:

2 кун муддат ичида жойларда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари тайинланган раҳбарлар фаолиятини таҳлил қилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қолоқликлар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини қутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, қайд этилган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини қутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан **вилоят ва ҳар бир “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари кесимида чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқиш, унинг ижроси ҳақида **ҳар ой якуни билан** вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиб бориш;

2 кун муддат ичида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимининг штат жадвалини белгиланган тартибда тегишли молия бошқармаларидан рўйхатдан ўтказиб, кадрлар билан тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

3 кун муддатда мазкур қарор ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошаётган, бу борада хато ва камчиликларга йўл қўйилган ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини қутаётган масалалар билан жиддий шуғулланмаётган “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси раҳбари ўрнига белгиланган мезонлар (соҳа бўйича мутахассислиги, маълумоти, малакаси ва ёши) асосида саралаб, камида 2 нафар номзодларнинг ҳужжатларини вазирликка тақдим қилиш;

10 кун муддатда Иштихон, Касби ва Музработ туманлари “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларини бино билан таъминлаб, кадастр ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштирилишини таъминлаш;

15 кун муддатда туман ирригация бўлимларидаги 6 923 нафар ва собиқ махсус хизматларда фаолият юритган 586 нафар ходимлар рўйхатини тўлиқ шакллантириб, малака талаби бўйича қайта кўриб чиқиб, белгиланган мутахассислик бўйича лавозимларга биринчи навбатда соҳага оид олий маълумотли, сув хўжалиги коллежларини тамомлаган ходимларни ишга қабул қилиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев ва Д.Ходжихмедов, Сувни тежайдиган, илмий ва инновацион технологияларини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи в.б. Д.Қдирбаев, Сув ресурслари ва ирригация тизимларидан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи Х.Қабилов, Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи С.Алимардоновларга:

ҳар 10 кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарори ижросини таъминлаш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан 2021 йил 1 февралда тасдиқланган 2024 йилда **сув тежовчи технологияларни жорий қилиш** (қурилишни якунлаш), **томчилатиб сугориш** технологияларини жорий қилиш (қурилишни якунлаш), **ёмғирлатиб сугориш** технологияларини жорий қилиш (қурилишни якунлаш), **дискрет сугориш** технологияларини жорий қилиш (қурилишни якунлаш), **эгиловчан қувурлар** орқали суғориш ишларини ташкил қилиш (қурилишни якунлаш), **плёнка тўшаб** суғориш ишларини ташкил қилиш (қурилишни якунлаш) ҳамда **лазер усқунаси ёрдамида текислаш** ишларини ташкил қилиш бўйича **Тармоқ жадвал** ижросини таъминлаш

борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан вазирлик раҳбариятига таҳлилий маълумот, асосланган хулоса ва таклифлар тақдим этиш;

мунтазам равишда “suvkredit.uz” электрон тизими орқали онлайн топширилган аризаларга “Сув етказиб хизмати” давлат муассасалари раҳбарлари томонидан тегишли хулоса берилишини мониторинг, танкидий таҳлил ва муҳокама қилиб бориш;

мунтазам равишда ҳудудларга бириктирилган вазирлик ишчи гуруҳи ходимлари банк ходимлари билан ҳамкорликда, “suvkredit.uz” электрон тизимига ариза бериш ҳамда платформадан фойдаланиш бўйича жойлардаги мутахассисларга ўқитиш ишларини ташкил қилиш;

ҳар ойда камида 2 мартаба мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Назорат режасида белгиланган топшириқлар бажарилишини вазирликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалока (ВКА) тартибдаги ўтказиладиган селектор йиғилишларида чуқур таҳлиллар асосида танкидий руҳда муҳокама қилиб бориш орқали барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

ушбу қарорнинг ижроси юзасидан қатъий ва тизимли мониторинг юритиш, унинг ижроси ҳақида вазирликнинг ҳар чорак якуни бўйича ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларига ахборот, таклиф ва хулосалар тақдим этиш;

ҳар ой якуни билан ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни вазир ўринбосарлари ҳузурида танкидий руҳда таҳлил ва муҳокама қилиб бориш, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораларини қўллаш юзасидан вазирлик раҳбариятига асосланган хулоса ва таклифлар (*интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан буйруқ лойиҳаси*) тақдим этиш;

ҳар чорак якуни билан мазкур қарор билан белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қолоқликлар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ахборот, таклиф ва хулосалар тақдим этиш;

15 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда барча суғориш тармоқларининг хатловдан ўтказилишини ташкил қилиш ҳамда уларни тегишлилиги бўйича балансга берилиши ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши ҳамда рақамли технологиялар асосида ҳар бир суғориш тармоғини классификацияланиш ва идентификацияланиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилишни ижро интизومي учун масъул вазир ўринбосари Р.Қаршиевга юклаб, уни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат раиси



Ш. Ҳамраев